

## Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 779-ҳадис

779/1561 – وَعَنْهَا رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا فِي رِوَايَةٍ قَالَتْ: حَرَجْنَا مَعَ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ وَلَا  
ثُرِي إِلَّا أَنَّهُ الْحَجُّ، فَلَمَّا قَدِمْنَا تَطَوَّقْنَا بِالْبَيْتِ، فَأَمَرَ النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مَنْ لَمْ يَكُنْ سَاقَ  
الْهَدْيَ أَنْ يَحْلِلَ، فَحَلَّ مَنْ لَمْ يَكُنْ سَاقَ الْهَدْيَ، وَنِسَاءُهُ لَمْ يَسْقُنْ فَأَحْلَلْنَ، قَالَتْ صَفِيَّةُ: مَا أُرَأَيْتِ إِلَّا  
حَابِسَتُهُمْ، قَالَ: «عَفْرَى حَلْقَى، أَوْمَا طُفْتِ يَوْمَ النَّحْرِ؟» قَالَتْ: قُلْتُ: بَلَى، قَالَ: «لَا بِأَسْ  
انْفِرِي». *انْفِرِي*.

779.1561. Оиша розияллоҳу анҳо айтади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга фақат ҳажни кўзлаб йўлга чиққан эдик. (Маккага) кириб келгач, Байтни тавоф қилдик. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадий етаклаб келмаганларни эхромдан чиқишига буюрдилар. Ким ҳадий етаклаб келмаган бўлса, эхромдан чиқди. У зотнинг аёллари ҳам (ҳадий) етаклаб келишмаган эди, шунинг учун улар ҳам эхромдан чиқишиди.

Кейин мен ҳайз кўриб қолиб, Байтни тавоф қила олмадим. «Ҳасба» кечаси\*: «Эй Аллоҳнинг Расули! Одамлар ҳаж ҳам, умра ҳам қилиб қайтсалар, мен фақат ҳаж қилиб қайтаманми?» дедим. У зот: **«Маккага келган кечаларимизда тавоф қилмаганмидинг?»** дедилар. «Йўқ», дедим. У зот: **«Ундай бўлса, аканг билан Танъимга бориб, умрага эхром боғла. Кейин сен билан фалон жойда учрашамиз»**, дедилар».

Сафийя розияллоҳу анҳо айтади: «Мен ҳам (ҳайзим сабабли) уларни ушлаб қоламан шекилли, деб ўйлардим». У зот: **«Ақро-ҳалқо!\* Қурбонлик куни тавоф қилмаганмидинг?»** дедилар. Мен: «Йўқ, қилганман», дедим. У зот: **«Ҳечқиси йўқ. Туриб, жўнайвер»**, дедилар».

Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан юқорилаб бораётиб, мен билан учрашдилар, мен эса у ерга тушиб келаётган эдим» [ёки «мен кўтарилиб бораётган эдим, у зот эса тушиб келаётган эдилар», деган].

\* «Ҳасба кечаси» - Муҳассабда туналадиган кеча. Муҳассаб - Макка билан

Мино орасидаги водийнинг номи бўлиб, ҳожилар ҳаж амалларини тугатиб, Минодан қайтишда ўша ерда тунаб қолганлар.

\* «Ақро-ҳалқо!» («Ҳалқо-акро!» шаклида ҳам келади) – бу ибора арабларда койиш маъносига ишлатиладиган сўзлардандир. «Ақро» – «бўғзидан сўйилгур» дегани, «ҳалқо» эса икки хил маънони билдиради: биринчиси «соҳи қирилгур», иккинчиси «бўғзидан бўғилгур». Аммо бу ибора арабларда асл мазмунида, яъни дуоибад сифатида айтилмай, оддий койиш маъносига ишлатиладиган бўлиб кетган. Бу ўзбек тилидаги «тушмагур», «ўлмагур» деган сўзларга тўғри келади.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

